



БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

“Кварц” акциядорлик жамияти, Фаргона вилояти Қувасой шаҳри “Пакана” МФЙ худудида “Қорабайир зотли отларини боқиш” комплекси қурилиши муносабати билан қуйидаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун қурилиш ташкилотлари орасида танлов эълон қилади;

1. Ем-хашак омбори, хожатхона, қоровулхона ва худудни ободонлаштириш (1-чи босқич) қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

Танлов асосида амалга ошириладиган қурилиш ишлари тажрибасига эга бўлган, Республикамизда ҳамда хорижий давлатлардаги қурилиш-пудрат ташкилотлари танловда қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги танлов талабларига жавоб бермаган, қурилиш-пудрат ташкилотлари танловда иштирок этишларига йўл қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
- танлов эълон қилингунга қадар қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқиляётган;
- молия кўрсаткичлари бўйича танлов комиссиясининг талабларига жавоб бермаган; қурилиш-пудрат ташкилотларни танловда иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Буюртмачининг манзили ва номи: Қувасой шаҳар Мустақиллик кўчаси 2 а уй, “Кварц” АЖ

Қурилиш объектининг манзили: Қувасой шаҳар “Пакана” МФЙ худуди.

Танлов ҳужжатлари билан танишиш учун қурилиш-пудрат ташкилотларини Қувасой шаҳар Мустақиллик кўчаси 2А уй “Кварц” АЖ таъминот бўлимига 2017 йил 15 сентябр соат 16-00 гача келишларини сўраймиз.

Танлов 2017 йил 18 сентябр куни соат 14-00да,

Қувасой шаҳар Мустақиллик кўчаси 2 а уй, “Кварц” АЖ биносида бўлиб ўтади.
Қўрсатишган муддатдан кечиккан таклиф ва мурожаатлар инобатга олинмайди.
Мурожаат учун телефонлар: (373) 372-44-26

ТАНЛОВГА МАРХАМАТ!